Koronavirusga qarshi choralar har birimizning mas'uliyatimizni oshiradi

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 16 апрель

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ҲАР БИРИМИЗНИНГ МАСЪУЛИЯТИМИЗНИ ОШИРАДИ

1

2000 йилларнинг бошларида қатор олимлар инсониятга кулфат келтириши мумкин бўлган термоядро урушлари, Ерга йирик астероиднинг қулаб тушиши, глобал исиш каби ўнга яқин таҳдидларни ўрганишган. Улар орасида вирусли инфекция тарқалиши хавфи ҳам юқори баҳоланган. Қайд қилинганидек, тиббиёт ва технологиянинг ривожланиши одамзоднинг деярли барча оғир хасталиклар, саратон, юрак-қон томир касалликларидан ҳоли бўлишини таъминлаши мумкин, аммо вирусли инфекциялар инсон билан доимо бирга юради ва ҳар қандай вақтда 1918 йилда рўй берган "Испанка" каби пандемияни келтириб чиқариши мумкин. Бу атроф-муҳитнинг ўзгаришига қараб вирусларнинг фавқулодда тезлик билан мутацияга учраши, турларининг ўзгариши ва кенг тарқалишига боғлиқ.

Афсуски, ҳамма давлатлар ҳам бундай глобал хатарга етарли эътибор қаратмади. Фақат бундай офатларга нисбатан тайёр бўлган Хитой бутун мамлакат бўйлаб вируснинг кенг тарқалишининг олдини ола билди.

Демак, бу каби юқумли касалликларга қарши доимо огоҳ ва ҳушёр туриш энг катта талаблардан биридир. Жумладан, бугун коронавирусга қарши илмий асосланган чораларни кўриш жуда муҳим. Доимий равишда SARS-COV-2 вируси устида кузатув олиб бориш керак ва юқори сезгир тест тизимларни ишлаб чиқиб, куз ва баҳор ойларида аҳолини текшириб туриш зарур.

Ўзбекистон олимлари томонидан бир қатор илмий муассасаларда тест тизимлари яратилмоқда, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари эса тахлил қилишмоқда. Шунинг учун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида санэпидстанциялар қошида вирусолог-шифокор лавозимини жорий этиш ўта муҳимдир.

"Тождор" офатга қарши курашиш ва унинг олдини олишда организмга ўша вирусли касалликни сунъий чақириб, унинг иммунитетини оширишга хизмат қилувчи вакциналарни яратиш самарали услублардан ҳисобланади. Бироқ бу услуб анча машаққатли йўлдир. Бунинг сабаби эса COVID-19 РНК тутган вируслар қаторига кириши ва унинг мутацияга учраш эҳтимоли жуда юқори. Ўзгаришларга тез учрагани боис бундай вирусга қарши вакциналарни яратишга 10 йиллаб вақт кетади. Яна, масалан, ОИТС ҳам РНК тутган вируслар қаторига киргани туфайли орадан 40 йил ўтса ҳам унга қарши вакцина яратилмаган.

Коронавирус билан зарарланган организмда иммун тизим ушбу касалликка қарши махсус интерферон оқсилларини ишлаб чиқаради. Демак, иммун тизими кучли одамлар (ёшлар ва соғлом, бақувват организм) вирусни енгил тарзда енгиб ўтади ва аксинча, ёши улуғ одамларда бу ҳолат кўриб турганимиздек оғир кечади. Шунинг учун вирусли инфекцияларга қарши ген мухандислиги технологияларидан ёрдамида олинган интерферонлар кенг қўлланилади. Лекин улар одатда қиммат. Интерферонлар танага юборилганда организм ёт модда сифатида қабул қилади ва унга қарши антитаналар ишлаб чиқара бошлайди. Шунинг учун ҳозирги кунда вирусли инфекцияни даволашда қўллаш учун интерферонларни индукциловчи бир қатор биологик моддаларнинг катта синфи мавжуд. Уларнинг таъсирида организм ўзининг табиий, ички интерферонини ишлаб чиқаради ва организмнинг иммун статусини оширади. Бу ҳолат эса инфекциянинг тарқалишида биринчи тўсиқ бўлиб ҳизмат қилади. Бу моддаларни кўпинча эпидемия шароитида касалларни даволаш ва профилактика қилиш учун қўллаш самарали ҳисобланади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институтида 20 йил мобайнида ўсимлик хом ашёлари асосида бир қатор дори воситалари яратилмоқдаки, уларнинг афзаллиги — биологик фаоллигининг кенглиги, захарсизлиги ва юқори самарадорлигидир. Уларнинг барчаси организмда интерферон синтезини самарали индукциялайди ва турли вирусларга қарши тўғридан-тўғри вирулент таъсирни намоён қилади.

Масалан, "Рутан" препарати грипп вирусининг турли штаммларига, "Тетасан", "Эуфорбин" ва "Пунитан" препаратлари одамнинг иммунитет танкислиги вирусига қарши самаралидир. "Рагосин", "Гозалидон" ва "Мебавин" препаратлари бевосита вирусга қарши фаолликка эга ва иммунитет тизимини стимуллайди. "Ромепин" — гриппга қарши препарат. "Тимоптин" ва "Эритим" каби иммуностимулятор препаратлар соғлом организмнинг иммун тизимини мукофиқлаштириб туриш учун зарур.

Бугунги кунда ўта муҳим препаратлардан бири бўлган вирусга қарши хусусияти-ли "Рутан" — тотум ўсимлигидан олинади ва замонавий тиббиётда қўлланиладиган аналогларга рақобатбардош бўла олади. "Рутан" препарати организмдаги эндоген интерферон синтезини 8 — 10 марта оширади ва турли вирусларга қарши курашувчи иммун статусини тезлик билан кўтаради. Қўшимча ва ножўя таъсирлари йўқлиги туфайли токсиклик даражаси жуда паст, шунингдек, вирусларга қарши қўлланиладиган бошқа препаратлардан терапевтик самараси юқори. "Рутан" организмда интерферон ишлаб чиқарилишини оширади, бу эса вирусларга қарши курашувчи б-, в- ва г-интерферонлар ҳосил бўлишини жадаллаштиради.

Препаратнинг клиник синовлари ижобий якунланган ва 2015 йилдан тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган. Хитойлик олимлар "Рутан" препарати SARS-COV-2 вирусининг гидролазасини 78,3 фоиз ингибирлашини ва касалликка қарши курашда самарали бўлиши мумкинлигини синовдан ўтказдилар.

Хитой Фанлар академияси ва Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти хамкорлигида Хитой — Ўзбекистон тиббиёт Технопарки яратилган. У ерда "Рутан" препаратининг дори шакли ишлаб чиқарилиб, препаратнинг биринчи партияси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига бегараз ёрдам сифатида тақдим этилади.

COVID-19 коронавирусининг тарқалиши барча давлатларнинг нафақат соғлиқни сақлаш тизимини, балки Ер юзининг барча халқларини ларзага солди. Лекин шуни айтиш мумкинки, инсоният пандемия устидан ғалаба қозонади, аммо содир бўлаётганларни инобатга олган ҳолда, микроолам бизнинг ҳаётимизда қандай ўринга ўрин тутишини англаш вақти келди. Бу эса барчамизни ўз соғлиғимизга эътиборли бўлишга чақиради. Тўғри профилактик тадбирлар комплекси — бу, аввало, соғлом турмуш тарзи, тозалик ва гигиена талабларига риоя қилиш ҳар биримизнинг ҳаётий қоидамизга айланиши лозим.

Иқтисодиётдаги сезиларли йўқотишларга қарамай, ҳукуматнинг барча қилаётган ҳаракатлари зарурий ва ўз вақтидадир. Вирусли инфекциянинг тарқалиш хавфи юқори бўлишига қарамай (аҳоли гавжумлиги, карантин қоидаларининг бузилиши, ўзига хослик, урф-одатлар ва ҳоказо), Ўзбекистонда вазият тўлиқ назорат остида. Бунда, албатта, Президентимизнинг ўрни беқиёс. Ўлим даражасининг пастлиги, бу — шифокорларнинг хизматидир, уларнинг қахрамонликлари олдида таъзимдамиз.

Шавкат СОЛИҲОВ,
Биоорганик кимё институти директори, академик.